Биография

Ғози Олим Юнусов



Ғози Олим ўғли 1893 йил Вятск губерняси, Буби қишлоғида туғилган. Унинг отаси Олим Юнус ўғли Тошкентдаги Волга-Камский тижорат банкида хизмат қилиб, Россия империясининг фахрий фуқароси эди. Ёш Ғози дастлаб қишлоғидаги Абдулла Буби мактабида Губайдулла Буби қўлида ўқиган. Сўнг 1909-13 йилларда Туркияда Истанбул педагогика институтида ўқиди. Айни пайтда Бухородан Истанбулга келган Фитрат, Атоулла Хўжаев, Мазҳар Бурҳонов, Аҳмаджон Махсум ва Мукумиддинбеклар, шунингдек, хоразмлик Бегжон Раҳмон, тошкентлик Шоҳид Эсон Мусаев, Холид Саидлар танишади. 1913 йил Истанбулда олий педагогика институтини тугатган Ғози Олим Юнусов Қоҳирадаги Ал-Азҳар мадрасасига киради. Унда бир йил ўқигач, 1914 йил Туркия таълим вазирлиги маъмурлари Рифъатбей ва Азизбейлар ёрдамида таҳсилни Германияда давом эттиришга эришади. Бироқ жаҳон уруши бошланиб қолгани туфайли бу ният амалга ошмай қолди. 1914 йил июлда Ватанга қайтган Ғози Олим Тошкентда “Турон” жамиятида Абдулла Авлоний, Низомиддин Хўжаевлар билан ишлай бошлайди. Ғози Олим 1917 йил Туркистон мухториятини эълон қилиш мақсадида чақирилган таъсис қурултойида Уламо жамияти вакили сифатида иштирок этди.

Туркистон мухторияти қонга ботирилгач, Тошкентда қайтиб “Турк ўчоғи” тўгарагини очди. Сўнг “Изчилар тўдаси”да фаол иштирок этади. 1918 йил Уламо жамияти томонидан Ғози Олим Юнусов Нуриддинбек Худоёрхонов билан Туркистон озодлиги учун курашда Туркия ҳукуматидан ёрдам сўраб боради. Туркия ҳукумати ёрдам қўлини чўза олмади. Бироқ, Саидносир Миржалилов ва Ғози Олим Юнусовларни Женевага “Миллатлар лигаси”га бориб, у ерда Туркистонни советлардан ажратиб олиш масаласида жаҳон ҳамжамиятидан ёрдам сўрашни таклиф этади. Ғози Олим Тошкентга қайтиб, Фитратнинг “Чиғатой гурунги”да иш олиб боради.

Биография



Ғози Олим Юнусов Туркистон Маориф халқ комиссарлиги ҳузуридаги илмий кенгашда ишлаб, 1924 йилгача театр этнографик билим ҳайъати аъзоси, ўзбек билим ҳайъати раиси сифатида фаолият олиб борди. У ўзбек фольклор ва этнография материалларини тўплаш, имло қоидаларини ишлаб чиқиш, ўқув қўлланмалари яратиш борасида самарали ишларни амалга оширди. Айни пайтда Адлия халқ комиссарлигида ҳам ишлаб, кўплаб ҳуқуқий ҳужжатларни ўзбек тилига таржима қилди. Иқтисод ва адлия атамаларининг луғатини яратиш иши билан ҳам машғул бўлди. Ғози Олим Юнусовнинг дастлабки илмий публицистик чиқишларидан “Туркистон” газетасининг 1922 йил 18 декабрь сонида босилган “Ўзбекларда эл таниш иши” мақоласида муаллиф: “... турк уруғлари орасида ўзбек уруғи энг оз текширилган бир уруғдир. Ўзбекнинг қабилавий турмуши, ўзаро уруғларга бўлиниши, халқ адабиёти, дини, ҳуқуқи, одатлари ижтимоий ва иқтисодий ҳоллари тўғрисида турк-ислом адабиётида жиддий асарлар бўлмағонидек рус ва ғарб адабиётида ҳам бу ҳақидаги маълумотлар ғоят суюқдир. Ўзбекларни таниш масаласини биринчи маротаба ўзбек билим ҳайъати бутун борлиғи билан кўз олдиға келтириб қўйиб, бу масъалани асосли суръатда ҳал қилмоқчи бўлди ва бу янги ва ғоят қийин бўлғон вазифани менинг устимга ташлади. Тўғри бу вазифа жуда шарафлик, фақат маънавий, моддий камчиликлар, воситасизлик ичида бу вазифани ўташ жуда қийин бўлса ҳам мен бир томондан халқимга, иккинчи ёқдан этнография илмига бўлган муҳаббатим орқасидан бу ишка киришмакка жасорат қилдим.

Биография



Мен тўрт ойча Сирдарё, Самарқанд, Фарғона музофотларида қишлоқма қишлоқ юриб ўзбекнинг моддий ва маънавий маданияти билан танишдим. Ҳозир саёҳатимдан олган таассуротларимни ёзиб турмасдан фақат ўзбекни таниш ишида нималар қилганимни ва қандай нарсалар топқонимни айтиб кетмакчиман. Саёҳат олдидан менинг тузган иш режам жуда кичик эди. Аммо, бу режадаги ишларнинг бир нечасинигина ишлай олдим. Бунга сабаб меним ишсизлигим эмас, балки ўзбекнинг этнографий нарсаларда бойлигидир. Турмушнинг қоронғу зиндонида зарурат билан умр ўтказишга маҳкум бўлган бир фақир бирдан эркка чиқиб олтин ва жавоҳирот билан тўлғон шоҳона хазинага кирганида қандай ўзини йўқотиб қўйса, мен ҳам халқимизнинг маънавий бойлиги олдида ўзимни йўқотдим. Иш режамда кўрсатилган бир моддани асосли суратда ҳал қилмоқ учун йилларча ишламак кераклигини сездим. Шунинг учун иш режамдан 2 масъаланинг биринчиси ўзбекнинг қабилавий бўлинишлари, иккинчи ўзбек халқ адабиётини айириб олиб, шу икки ишни ишлаб чиқоришга тиришдим. Биринчи масъала, яъни ўзбек уруғлари тўғрисида бу чоққача турк-ислом ва ғарб адабиётида қайд қилинмаган янги маълумотлар тўпладим.

Биография



Ўзбеклар ўтроқлик турмуш шароити остида ўз қабилавий бўлинишларини эсдан чиқариб бошлағонлар. Кўп ўзбек уруғлари бош уруғини билиб, унинг бўлимларини, аймоқларини билмайдилар. Ёлғиз қумқулоқ қарияларгина ўз уруғ аймоқлари тўғрисида қаноатландирғудек маълумот бера оладирлар. Қабилалар тўғрисида текширишни ҳеч тўхтатмасдан давом эттириш керак. Чунки, қумқулоқ қариялар ўзбекларда жуда оз қолғон. Буларнинг ўлими билан Туркистонда яшагувчи ўзбек уруғлари ҳақида қийматлик маълумотлар йўқолур; Шунинг билан бирга ўзбек уруғлари тўғрисида маълумотни тўлдириш учун Бухоро, Хива ва Афғонистонда яшагувчи ўзбеклар орасига махсус ҳайъатлар юбориб, бу йўлда текшириш ковлаш доирасини кенгайтириш керак. Қариялар ўзбекларнинг “эл нўғой”дан “дашти қипчоқ”дан келганини сўйлайдилар. Демак, бизга ўзбекнинг эски юрти бўлган Жайиқ ва Эдил бўйлариға ҳам бориб унинг эски изини ишлаш керак бўлади. Ўзбек уруғлари тўғрисида тўплаган маълумотларимни тартибга солгандан сўнг газета ва журналларда бостирай деган ниятим бор. Шунинг учун бу тўғрида сўзни қисқартириб, ўзбек халқ адабиёти ҳақида бир оз сўзлашайлик. Турк уруғлари ўртасида қозоқдан қола, халқ адабиётига бой уруғ ўзбекдир деб ўйлайман. Мен Ҳамроқул шоир, Бола бахши, Фозил жиров деган ўзбек халқ шоирлари билан кўришдим. Булардан Алпомиш, Гўрўғли, Юсуф Аҳмад, Ошиқ Мурод каби ўзбекларда машҳур достонлар...” ҳақида атрофлича тўхталади. Шунингдек, Ғози Олим ўзининг “Адабиёт тўғрисида хато назариялар” мақоласида Абдураҳмон Саъдийнинг “Амалий ва назарий адабиёт дарслари” асарини жиддий танқид қилади. Унинг энг муҳим чиқишларидан яна бири “Маориф ва ўқитғувчи” журналига чоп этилган “Халқ адабиёти” мақоласидир. Муаллиф ёзади: “Алла” эл адабиётида энг муҳим ўринни тутадир, чунки ул оналарнинг ўз болаларини қандай умидлар билан ўсдирганликларини ва ижтимоий ҳаётда эл ичида қанақа киши қилиб тайёрламоқчи бўлганликларини кўрсатадир.

Биография



Бизнинг ўзбекларда икки турлик бешик куйи бўлиб, булардан бириси алладирки оналар (хотинлар) томонидан болаларни овутганда айтиладир. Иккинчиси “ҳуйя”дирки эркак (оталар)лар томонидан болани тиззасига олиб овутган чоғда айтадирлар. Бу ерда босилган “алла” энг эски ўзбек алласи бўлиб қабилавий ҳаёт давридаги ўзбек руҳини кўрсатадир. Бу эл асарида исломий руҳ ғоят заиф, аммо чин ўзбек руҳи ғоят кучлидир. Ўзбек хотини авлиёларни, Маккани, жаннату жаҳаннамни ўйламайди ва боласининг мутеъ, муттақи, хайр саховатли бўлишини ҳам тиламайди, балки ул ўғлининг ботир “арслон юракли, қоплон билакли”, қулундай чаққон, туйғундай олғир, яхши отли ва яхши қуролли бўлишини истайди. Демак, бу асар ўзбекларга ислом ҳали кўп таъсир қила олмаган бир даврларда чиққан десак янглишмаган бўламиз. Тил ва луғат ёқидан ҳам бу асар кўп хусусиятга моликдир ки ул хусусиятлар тўғрида эслатма тарзида изоҳ берилди. Келгусида қўлимиздаги “ҳуйя”ни ҳам матбуотга чиқоришни ваъда қилиб эл адабиёти билан машғул бўлғон ўртоқлардан эл оғзида юрган алла ва ҳуйяларни айнан ёзиб тегишлик изоҳот билан ўзбекларни ўрганиш марказига юборишини ёки матбуотга чиқоришини сўраймиз. Бу “алла”ни айтиб берган мулла Эргаш Жуманбулбул ўғлиға ва забт қилишда кўмак берган Муҳаммад Исо Эрназар ўғлиға махсус ташаккур айтамиз.

Алла

Ойнанайин ойдиним, эл ичида сойдиним,

Қўлимдаги туйғунум, гапка тушкан ғужғунум,

Алла болам аллаяй, Алла боолам алла яй.

Биография



Дарҳақиқат, Ғози Олим 1925-29 йилларда Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги фан бўлимининг илмий котиби ва ўзбекларни ўрганиш қўмитасининг раиси лавозимларида иш олиб борди. Бир пайтда педагог сифатида Самарқанд педакадемиясида ишлаб ўзбек тили кафедраси профессори унвонига сазовор бўлди. Янги ўзбек лотин алифбосини яратиш иши билан бир пайтда Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларига уюштирилган фольклор этнография ва диалектология экспедицияларига бошчилик қилди. У ўзбек лаҳжаларининг билимдони эди. Шунингдек, ўзбек терминлар луғатини яратиш ва соф туркий тил учун мислсиз кураш олиб борди. 1926 йил “Юридик терминлар луғати”, 1930 йил “Ўзбек уруғларидан қатағонлар ва уларнинг тили” асарлари чоп этилган. Юнусов Ғози Олимович 1931-33 йиллар Тошкентдаги Маданий қурилиш илмий-текшириш институтида, 1934-37 йилларда Тил ва адабиёт институтида илмий изланишлар олиб борди. Шу йилларда олиб борган изланишлари натижасида 1936 йил “Ўзбек тили граматика” китобини нашр этган. Айни пайтда 1931-37 йиллар А.Икромов номли педагогика институти, тилшунослик кафедраси профессори сифатидаталабаларга дарс беради...

1937 йил 24 апрель куни тилшунос олим, профессор Ғози Олим Юнусовни Ўзбекистонда мустақил буржуа давлат тузиш тарафдори, аксилинқилобий ташкилот аъзоси деб қамоққа олинди. Унинг бор бисоти, илмий изланишлари, ҳали нашр этиб улгурмаган қўлёзма асарлари тортиб олинди. Турмуш ўртоғи Валентина Ивановна Юнусова, ўғиллари Эрк (12), Оскар (9), қизлари Мира (11), Камилла (7)лар ортидан қон қақшаб қолдилар. 1938 йил 24 сентябрь куни тинимсиз азоб ва уқубатлар остида қолган Ғози Олим Юнусов: “Мен ўзимга қўйилган барча айбларни тан оламан. Илтимос мени жазоланглар” деб ёзиб имзо чекишга мажбур бўлади. Ғози Олим Юнусовнинг иши 1938 йил 5 октябрда машъум “учлик” томонидан кўрилиб олий жазога ҳукм этилди. Ваҳоланки, у 4 октябрда отиб юборилган эди.

Асарлари:

1923	«Алпомиш» достони. «Билим ўчоғи» журнали, 2- сон.
1926	«Алла» тўғрисида бир-икки оғиз сўз «Маориф ва ўқитғувчи» журнали, 6- сон.
1927	Ўрта Осиё туркларининг янги алифбеси. Маориф ва ўқитғувчи» журнали, 6-сон. Қизил йўл (О. Ҳошим ва Серовлар билан ҳамкорликда), «Янги ўзбек латин алифбосини ўрганиш учун», тўплам.
1930	Ўзбек тили. Тошкент. Ўзбек уруғларидан қатағанлар ва уларнинг тили. Тошкент.
1933	Юридик терминлар луғати. Тошкент.
1936	Ўзбек лаҳжаларини таснифда бир тажриба. Тошкент. Ўзбек тили грамматикаси (қўлёзма).

Copyright © 2022
All Rights Reserved.